O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 21 июнь ШАНБА

№ 48 (12.059)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Болалар ёзи – 2008





**Оролбўйи болаларини вилоятимизнинг хушҳаво жойларидаги ёзги оромгоҳларда дам олдириш ва соғломлаштириш анъанага айланди.**

Куни кеча пойтахтимизнинг жанубий вокзалида биринчи мавсумда дам олувчи Хоразм вилояти болалари тантанали кутиб олинди.

Мураббий ва етакчилар раҳбарлигида 690 бола тоғли соя-салқин манзиллардаги саккизта оромгоҳга жўнаб кетди.

**СУРАТЛАРДА:** хоразмлик болаларни Тошкент вокзалида кутиб олиш пайти.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## ДАМ ОЛДИРИШ БОШЛАНДИ

**Болалар орзиқиб кутган ёзги таътилнинг биринчи ойи ҳам ўтиб бормоқда. Вилоятда бу мавсумда 24620 нафар бола дам олдирилиши режалаштирилган. Улардан 11670 нафари ёзни ташқи оромгоҳларда ўтказади. 12950 нафар бола эса мактаб ва коллежлар қошидаги кундузги оромгоҳларга жалб этилади.**

Хўш, болаларимиз мазмунли дам олишлари учун тайёргарлик ишлари қай даражада? Бу борада қандай муаммолар бор?

Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича вилоят доимий комиссиясининг кенгайтирилган йиғилишида ана шу масалалар атрофлича муҳокама этилди. Унда вилоят ҳокимлиги, касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда тегишли идораларнинг вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Содиқ Абдуллаев бошқарди.

Олиб борилган текширишлар натижасига қараганда айрим дам олиш масканлари мавсумга тўла тайёрланмаганлиги таъкидланди. Хусусан, Ангрен шаҳридаги "Коинот", Бекободдаги "Цементчи", Бўстонлиқ туманидаги "Кимёгар" болалар соғломлаштириш масканларида жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Сув ҳавзалари, ошхоналардаги санитария-эпидемиологик ҳолат талабга жавоб бермайди. Оҳангарон, Оққўрғон, Юқоричирчиқ туманларининг мактаб ва коллежлар қошидаги кундузги оромгоҳларида ҳам аҳвол яхши эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Дам олиш мавсуми бошланганига қарамай, айрим мактабларда ҳали-ҳануз оромгоҳлар очилмагани танқид қилинди.

Болалар ёзги дам олишини кўнгилли ташкил этишнинг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

**Бу ибора бежиз айтилмаган. Эртанинг давомчилари бўлган болаларни асраб-авайлаш ҳар бир кишининг инсонийлик бурчи ҳисобланади.**

## БОЛА КУЛСА – ОЛАМ КУЛАДИ

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти "Инсонийлик" ўқув-методик маркази кўнгиллилари ташаббуси билан "Тошкент-ленд" истироҳат боғига ташкил этилган саёҳат ҳам худди шу мақсадга йўналтирилган. Унда вилоятимиздан олтмиш нафар етим бола иштирок этди.

– Ёшларнинг "Биз инсонпарварлик йўлини танлаймиз" шиори остида ташаббус билан чиқишлари бизни қувонтирди, – дейди ёшлар лойиҳаси мувофиқлаштирувчиси Анвар Ҳалимов. – Биз лойиҳани қўллаб, болажонларнинг мароқли дам олишларини ташкил этганимиздан хурсандмиз.

Тадбир сўнгида болаларга Қизил ярим ой жамияти марказий кенгашининг совғалари топширилди.

**Рахшона ТОШПЎЛАТОВА,**
**«Туркистон-пресс».**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн етти йиллигини муносиб кутиб олиш, ушбу буюк сананинг моҳияти ва аҳамиятини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, байрам тадбирларини халқимиз хотирасида ёрқин из қолдирадиган юксак даражада ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси шу йилнинг 25 июнига қадар "Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Ушбу дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга эътибор қаратилсин:

мустақиллик — халқимизнинг асрий орзуси, кўп йиллик курашлар натижасида қўлга киритган буюк тарихий ютуғи, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон учун эркинлик ва озодлик тимсоли, энг улуғ ва энг азиз айём эканини чуқур очиб беришга қаратилган маданий-маърифий анжуманлар, суҳбат ва учрашувлар уюштириш;

истиқлол халқимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз қадр-қимматини англаш, муносиб ҳаёт кечириш имконини берганини, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, юртимизда озод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам гарови бўлиб келаётганини оммавий тадбирлар орқали акс эттириш;

мустақиллик йилларида бой тарих ва меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётганини ҳар томонлама кенг тарғиб этиш;

ўтган давр мобайнида кенг кўламли ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги ошиб бораётганини, мамлакатимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий дастурларнинг ижобий самараларини ифода этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш;

диёримизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини, юртимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб бораётганини аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритиб бериш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларига мустақиллик байрамининг ўн етти йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда тегишли комиссиялар тузиш ҳамда жорий йилнинг 1 июлига қадар республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ишларини олиб боришни кўзда тутадиган дастурларни ишлаб чиқиш топширилсин.

Ушбу дастурларда белгиланган тадбирларни расмиятчилик ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда, оддий одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган мазмун ва шакллар асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида марказда ва жойларда амалга оширилаётган тадбирлар режасини бажариш бўйича ҳисоботларни мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқ ва мусиқий асарлар учун "Ватан ягонадир, Ватан биттадир" республика танловини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

7. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

8. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида "Ниҳол" мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

10. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2008 йил 12 июнь.



## ХИЗМАТДА — ЯНГИ АВТОБУСЛАР

**"Зафар автобус-такси саройи" йўловчи ташиш хизматини тубдан яхшилаш борасида тинимсиз изланишлар олиб бораётир. Яқинда корхонага "ISUZU" русумли 6 та автобус олиб келинди. Бунда "Ўзсаноатлизинг" компанияси билан тузилган шартнома, "Тошвилтранс" уюшмаси ҳамда Олмалиқ шаҳридаги "Саноатқурилишбанк"нинг ёрдами катта бўлди. Ҳозир янги автобуслар "Бекобод – Зафар" йўналиши бўйича йўловчиларга узлуксиз хизмат кўрсатмоқда.**

Олдиндан ҳаракатда бўлган "Дамас" ва бошқа микроавтобусларнинг йўл ҳақи ўз-ўзидан 600 сўмдан 400 сўмга тушди. Бу албатта, туман аҳолисига яратилган ўзига хос қулайлик бўлди.

Корхонада янги русумдаги автобусларнинг тинимсиз ҳаракатланиши натижасида кунига туман бюджетига 500-600 минг сўм атрофида маблағ тушмоқда.

Энг муҳими, эски, таъмирталаб автобуслар ўрнини ўзимизда ишлаб чиқарилган янги, замонавий автобуслар эгаллаши йўловчиларни беҳад хурсанд қилаётир.

– Келгусида улар сонини яна кўпайтирмоқчимиз, – дейди корхона раҳбари Содиқ Сатторов. – Ҳақиқатан ҳам илгари мавжуд бўлган автобусларимиз анча эскириб, деярли яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Агар биз яна бир неча янги автобусларни мутасадди ташкилотлар кўмагида олиб келсак, ўйлайманки, туманимиз аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш янада яхшиланади.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ.**

Ёшлар ташкилотида

## ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ўқув-семинар ташкил этди. Унда туман ва шаҳар бўлимлари ходимлари иштирок этишди.**

"Ёшлар йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, ходимлар малакасини ошириш масалалари диққат марказида бўлди.

Ҳаракат фаолияти, амалий ишлар, камчиликлар ҳамда "Ёшлар йили" Давлат дастурининг бажарилишига оид чора-тадбирлар ҳақида фикрлашиб олинди. Турли тадбирларни ташкил этиш, фармойиш тайёрлаш, оммавий ахборот воситалари ҳамда хатлар билан ишлаш масалалари юзасидан суҳбатлар ўтказилди.

Иштирокчилар футбол, баскетбол ҳамда бадминтон бўйича куч синашишди. Гуруҳлар деворий газета тайёрлаш, унинг шиорини танлаш ҳамда бадиий саҳна кўринишини ижро этиш бўйича мусобақалашишди. Ёш истеъдод эгаларининг концерт дастури иштирокчиларга манзур бўлди.

Семинар якунида билимлар синовдан ўтказилди. Энг зукколарга эсдалик совғалари топширилди.

**Шоира ОХУНЖОНОВА.**

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

## ИФТИХОРИМ, ФАХРИМСАН!

**Тарихий-археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, ҳозирги Тошкент заминида, Шойимкўприк тарихий-археологик майдонида 40 минг йиллар илгари ҳам қадимий аждодларимиз манзиллари мавжуд бўлган.**

Тошкент – ўлканинг энг қадимий маданият ўчоғи. Эрамиздан олдинги II-I асрларга оид Шоштепа ёдгорлиги ўша замонлардаёқ бу манзил шаҳар кўринишида шаклланганлигини асослайди. Эрамизнинг биринчи асрларида Мингўрик заминида шаклланган Чоч шаҳри 4 километр узунликдаги қалин девор билан ўралган бўлиб, сарой, ибодатхона, аъёнлар маҳаллалари, шаҳристон ва работ, косибу усталарнинг маҳаллаларини ўз ичига олган. Тошкентга оид дастлабки ёзма маълумот юнон олими Кладвий Птоломейнинг "География" асарида учрайди. Бу ёзма манбада бугунги Тошкентнинг номи Чоч, Шош шаклларида келтирилади. VII асрнинг биринчи чорагида араб қўшинлари Чочни истило қилиб, ёқиб юборган. IX асрда шаҳар ўша вайроналар ўрнида эмас, 4-5 километр шимоли-ғарбда – Бўзсув бўйида қайта қурилди ва Чоч давлатининг пойтахти сифатида жадал ривож топди. IX асрда яшаб ўтган математик ва астроном Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ўзининг "Ер сурати" асарида Шош шаҳрининг географик ўрнини ниҳоятда аниқ келтиради. Хитой манбаларида учровчи Ши, араб манбаларида келтирилган Шош номлари кейинчалик, туркий тилга Тош сифатида кирганлиги илм намоёндалари томонидан исботланган.

(Давоми 2-бетда).

Ғалла – 2008

## ХИРМОНГА БАРАКА КИРАЯПТИ

**Вилоятимизнинг аксарият туманларида ғалла ўрими мавсуми ҳал қилувчи паллага кирди. Ҳар куни 280-290 та комбайн ғаллани ўриб-янчиб олишга жалб этилаяпти. Уларнинг аксарияти юқори унум билан ишловчи "Кейс" ҳамда "Класс-доминатор" комбайнлари бўлгани боис, иш суръати ошиб, кунига қарийб 3000 гектар майдондаги ҳосил йиғиштириб олинмоқда.**

Хусусан, ўримга аввалдан пухта тайёргарлик кўриб, комбайнлар, шунингдек, дон ташувчи транспорт воситаларининг бир маромда, узлуксиз ишлашига эришилаётган, уларга кўрсатиладиган техник хизмат, ёқилғи-мойлаш ашёлари ва зарур эҳтиёт қисмлар таъминоти оқилона йўлга қўйилган, энг муҳими, мавсумга сафарбар этилганларга қулай иш шароитлари кўнгилдагидек ташкил қилинган туманларда кунлик иш унуми айниқса, юқори бўлмоқда.

Жумладан, Бўка, Пскент, Ўртачирчиқ, Бекобод, шунингдек, Қибрай, Зангиота, Тошкент туманларида ғаллакорлар бир кунда белгиланган режанинг 4-5 фоизи миқдорида дон тайёрламоқдалар.

Ўримда бекободлик ғаллакорлар карвонбошилик қилишмоқда. Улар кечаги кунгача зиммаларидаги режанинг 66 фоизини адо этиб бўлдилар.

(Давоми 2-бетда).

**Тошкент Давлат аграр университетида муассаса маъмурияти ва талабаларнинг университет ҳудудида чекишни бутунлай тақиқлаш ташаббуси қатъий амалга киритилди.**

## ТАЛАБАЛАР ЧЕКИШГА ҚАРШИ

Мақсад – ёшларнинг салбий иллатларга қарши курашувчанлигини ошириш ва атроф-муҳит орасталигини сақлашдир.

Университет ҳудуди бўйлаб кашандалик иллатини қораловчи ва ёшларни ҳушёрликка чорловчи ўнлаб ранг-баранг лавҳалар, шиорлар ўрнатилди.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

